# Долларнинг Осиё иқтисодиётидаги қадри

Таҳлил

G20(G – «group» — гуруҳ) деб ном олган 20 та давлатнинг молия вазирлари ва марказий банки раҳбарлари ташкил қилган гуруҳ аъзолари бугун Германиянинг Берлин шаҳрида учрашадилар. Тахминларга қараганда, улар анчадан буён тинимсиз равишда пасайиб бораётган АҚШ доллари курси, унга Осиё молия тизимининг таъсири ва бу борада келгусида кўриладиган чоралар ҳақида маслаҳатлашиш учун тўпланадилар. Хўш, дунёнинг иқтисодиёти барқарор, шунингдек, кўп миқдорда нефть ишлаб чиқарувчи ва таъсирли бозорга эга бўлган давлатларининг мазкур вакиллари жаҳон валюта бозоридаги жараёнларга қандай таъсир кўрсата олади?

Бу борада айни пайтда АҚШ ва Европанинг кўплаб иқтисодий нашрлари(Economist, Financial Times, Wall Street Journal кабилар)да жиддий таҳлилий мақолалар чоп этилмоқда.

1997-1998 йилларда Осиёдаги кўплаб мамлакатларни қамраб олган иқтисодий бўҳрон натижасида дунё иқтисодиётида катта таъсирга эга бўлган қатор мамлакатлар ўзларининг молиявий қийинчиликларига қарши анча тарқоқ ҳолда курашаётганлигини англаб етдилар. Ва худди шу пайтда ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида учта йирик ташкилотга асос солинди. Булар — *Халқаро пул ва молия қўмитаси, Молиявий барқарорлик форуми* ва биз юқорида тилга олган *G20*. Даставвал муваққат иқтисодий гуруҳ мақоми билан таъсис этилган, аммо йилдан-йил муҳим аҳамият касб этиб бораётган G20 гуруҳи ўзида Аргентина, Австралия, Бразилия, Канада, Хитой, Франция, Германия, Ҳиндистон, Индонезия, Италия, Япония, Жанубий Корея, Мексика, Россия, Саудия Арабистони, Жанубий Африка Республикаси, Туркия, Буюк Британия ва АҚШ каби давлатларнинг молия вазирлари, марказий банклари раҳбарлари ҳамда Европа Иттифоқининг марказий банки, шунингдек, Халқаро Валюта Жамғармаси, Жаҳон Банки каби етакчи молия ташкилотларининг раҳбарларини бирлаштиради.

Жаҳоннинг асосий валюта бозори бўлмиш «Morgan Stanley» ташкилотининг етакчи мутахассиси Стефан Женнинг айтишича, гуруҳнинг бу сафарги йиғилиши 1997 йилдагига ўхшаш инқирознинг олдини олишдир. Ўша инқирознинг асоратлари Осиё сиёсатчиларини валюта сиёсатида ҳамон эҳтиёткорлик билан ҳаракатланишга мажбур қилмоқда. Орадан ўтган етти йил давомида қитъа мамлакатлари бутун молия сиёсатини ўз валютасининг қадр-қимматини сақлаб қолишга ва хорижий валюта захирасини кўпайтиришга қаратдилар. 1997 йил июнь ойидаги инқироздан сўнг шиддат билан қулаган Жанубий Корея вони, Индонезия рупийси ва Тайвань доллари бугунги кунга келиб аста-секин ўзининг олдинги қийматини тикламоқда, бироқ бу жараён кутилганидан анча секин кечмоқда. Масалан, Корея вони олдинги қийматидан 5 фоиз, Малайзия рингити эса 25 фоиз пастда турибди.

Иқтисодчиларнинг мулоҳазаларига кўра, бу вазиятнинг асосий сабаби Осиё мамлакатларининг тинимсиз доллар сотиб олаётганларидир. Бевосита АҚШ давлат ғазнасидан доллар харид қилиш уларнинг ўз валютаси қадрини сақлаб қолиши ва савдо камомадини ёпишига хизмат қилган бўлса-да, энди бу имконият чекланмоқда. Масалан, Корея учун доллар қимматга тушмоқда ва бу инфляцияга ҳам олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, Корея ҳукуматининг импорт маҳсулотларига катта божлар солиши мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш билан бирга, давлатдаги пулнинг қадрсизланишига қарши чораларни заифлаштирди. Натижада, шу йил ёзда инфляция даражаси сўнгги уч йилдаги энг юқори нуқтага етди.




Корея пул сиёсатини бошқа Осиё мамлакатлари ҳам қўллаши мумкин эди, бироқ айни дамда улар Хитой иқтисодиётига анча боғланиб қолган. Хитой эса, ўз навбатида, доллар сотиб олишдан тўхтамаяпти. Тўғри, Хитойнинг жуда катта валюта захираси 1997 йилда ҳам муҳим тиргакка айланган, ҳозир ҳам мустаҳкам ҳимоя воситаси бўлиши мумкин. Аммо доллар қадри аста-секинлик билан тушиб бораётган бугунги кунда бу Хитой атрофидаги давлатлар иқтисодиётининг эркинлашувига тўсқинлик қиляпти. Ҳозир валюта савдоларида деярли барча Осиё мамлакатлари, ҳатто Япония ҳам Хитой билан ҳисоблашишига тўғри келади.

Дарвоқе, Япония борасида тўхталадиган бўлсак, кунчиқар мамлакат учун доллар харид қилиш Кореядан фарқли равишда катта фойда келтирмоқда. Чунки бу давлатдаги дефляция (ортиқча товар ишлаб чиқариш)нинг олдини олмоқда. Доллар харид қилиш учун ўтган йили 20 триллион иена (170 миллиард доллар), жорий йилнинг дастлабки уч ойида 14 триллион иена (120 миллиард доллар) сарфланишига қарамай, долларнинг қадри иенага нисбатан ҳам тушиб бормоқда. Апрелдан буён биринчи марта 1 доллар 104 иенага тенг бўлди.

Айрим мутахассисларнинг таъкидлашича, G20нинг Берлин учрашувида доллар курси борасида қатъий қарор қабул қилинмайди. Бу қаттиқ валютанинг қадрини янада пастроқ тушиб кетишига олиб келиши мумкин. Учрашувда, шунингдек, нефть нархлари юзасидан муайян хулосага келиш, халқаро иқтисодиётнинг йиллик якунларини таҳлил қилиш режалаштирилган. Режага кўра, унда Халқаро Валюта Жамғармасининг G20 мамлакатларининг иқтисодий кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотномаси, Япония молия вазири, АҚШ Давлат ғазнаси департаменти, Хитой Халқ банкининг ўз давлатидаги пул ва молия сиёсати ҳақидаги ахбороти тақдим этилади. Европа марказий банки евро борасидаги маълумотларни беради. Халқаро иқтисодиёт институти валюта курслари тўғрисидаги тадқиқот натижаларини, Стенфорд Университети олими Рональд МакКиннон эса иена, юан каби валюталарнинг йиллик ҳаракати ва уларнинг долларга нисбатан ўзгариш жараёнлари бўйича кузатишларини эълон қилади.

Берлин учрашуви доллар курсининг кейинги ўзгаришига қандай таъсир қилишини олдиндан айтиш мушкул. Аммо бир нарса аниқки, қаттиқ валютанинг қадри айни пайтда Осиё бозоридаги жараёнларга боғлиқдир.

**Ботиржон ҒОФУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Тиббий хулоса аниқ эмас

***Фаластин ҳукуматининг ҳозирги раҳбарлари Ёсир Арофат ўлими сабаблари ошкор этилишини талаб қилмоқда. Аммо шу пайтгача Франция ҳукумати уларга Арофат касаллиги тарихи билан боғлиқ ҳеч бир ҳужжат тақдим этмади. Франция ҳукумати вакилининг сўзларига қараганда, Арофатнинг оила аъзоларигина бу ҳужжатлар билан танишиш ҳуқуқига эга.***

***Кеча Арофатнинг яқин қариндоши Насер ал-Қудва касаллик тарихи ва тиббий хулосалар билан танишиш мақсадида Парижга учиб келди. Таъкидлаш лозимки, ҳозирга қадар Фаластин етакчисининг ўлими сабаблари аниқ эмас.***

## ДХҚ раиси истеъфога чиқарилди

***Белоруссия президенти Александр Лукашенко давлат хавфсизлик қўмитаси раиси Леонид Еринни истеъфога чиқарди. Бу ҳақда президент матбуот хизмати хабар тарқатди.***



***Референдум ва мамлакат парламентига бўлиб ўтган сайловлардан сўнг Леонид Ерин кутилмаганда дарҳол меҳнат таътилига чиққанди. Дам олишдан қайтиб келиши билан унинг истеъфога чиқарилиши кўпчиликни ҳайратга солмоқда.***

## Ҳамжамият хавотирда

***БМТ Афғонистонда гиёҳванд моддалари етиштириш яна авж олётганидан хавотирда. 2004 йилда опий моддасини етиштириш мамлакатда уч баробарга ошган. Ташкилот вакилининг айтишича, мамлакатда гиёҳванд моддалар савдосига қарши кураш йўлидаги ҳаракатлар кутилганидек самара бермаяпти. Ҳамжамият томонидан тайёрланган маърузада Афғонистонда фаолият юритаётган АҚШ ва НАТО кучлари гиёҳванд моддалар савдосига қарши ҳарбий амалиётлар ўтказиши лозимлиги таъкидланади.***

***Статистик маълумотларга қараганда, бугунги кунда етиштирилаётган опий моддасининг 87 фоизи Афғонистон ҳиссасига тўғри келмоқда.***

## Еврокомиссия таркиби тасдиқланди

***Европарламент Европа Комиссиясининг янги таркибини тасдиқлади. Янги таркиб Жозе Мануэл Баррозу томонидан тузилган эди. Парламентда ЕИ ижрочи органи аъзоларини тасдиқлаш чоғида катта муаммоларга дуч келинмади.***



***Европа Комиссияси раҳбари Баррозунинг таъкидлашича, унинг жамоаси ўз ишларини бошлашга тайёр.***

## Вазият ҳамон нотинч

***Хабарингиз бор, америкалик ва ироқлик ҳарбийлар биргаликда Фаллужа шаҳрида ҳарбий операциялар ўтказмоқда. Амалиётлардан сўнг АҚШ ҳарбийлари шаҳардаги вазиятни яна ўз назорати остига олдилар.***

***Ироқда фаолият олиб бораётган Америка пиёда қўшинлари қўмондони генерал Жон Саттлернинг қайд этишича, операциялар чоғида жангариларнинг бир қисми шаҳарни тарк этишган. Манбада айтилишича, Фаллужанинг жанубий қисмида америкалик ва иттифоқчи кучлар ҳамон қаттиқ қаршиликка дуч келмоқда. Буни генерал Саттлер ҳам тан олди. Шаҳарни эгаллаш чоғида 51 нафар америкалик, 8 нафар ироқлик аскар қурбон бўлди. Шунингдек, амалиётлар чоғида 1200 нафар жангари йўқ қилинди.***

***Сўнгги маълумотларга қараганда, Ироқда ҳамон нотинч вазият сақланиб турибди. Бағдод ва Киркук шаҳарларида бир неча маротаба бомба портлаши оқибатида тўрт нафар одам ҳалок бўлди, яна бир қанчаси жароҳатланди. Мосул шаҳридаги маъмурий бино қуролланган номаълум гуруҳ томонидан миномётлардан ўққа тутилган.***

Жаҳон матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

# ОЛАМ НАФАСИ

**Янгиликлар, воқеалар, далиллар**

## Польшада табиий офат

***Кеча Польшада кучли довул туриши оқибатида етти нафар киши қурбон бўлди. Reuters ахборот агентлиги тарқатган хабарга қараганда, айни пайтда 10 минг аҳоли электр таъминотисиз қолган.***

***Метеорологларнинг айтишича, довул секундига 40 метр тезликда ҳаракатланмоқда. Ҳозирда табиий офат туфайли Варшава кўчаларида транспорт қатнови қийинлашди.***



## Бин Лодин қаерда?

АҚШда ўтган президентлик сайловлари арафасида "Ал-жазира" телеканалида Усама бин Лодиннинг пайдо бўлиши биринчи рақамли террорчи қаерларда яшириниб юрибди, уни тутиш нега қийин бўлаяпти, деган саволларни яна ўртага ташлади. Кўплаб газета ва журналларда шу мавзуда мақолалар босилди.

Ростдан ҳам, Усама бин Лодин қаерда ўзи? Яқинда "The Washinqton Times" газетаси "Бин Лодин Ҳиндистонга бориши мумкин" деб номланган мақола эълон қилди. Унда таъкидланишича, АҚШ Федерал қидирув бюросининг Покистонда хизмат қилаётган юқори мартабали ходими Ҳиндистонга ташриф буюриб, ушбу мамлакат махсус хизмат вакилларига бу хабарни етказган. Шунингдек, у ҳозирча Покистонда деб тахмин қилинаётган террорчи Ҳиндистонга келадиган бўлса, икки давлат махсус хизмати ходимлари билан биргаликда олиб борадиган амалиётлар режасини муҳокама этган.

Американинг Fox News телеканали ва Исроилнинг www.debka.com сайти 17 октярдан 19 октябргача Усаманинг Покистонда бўлганлиги ҳақида маълумот тарқатди. Исроил сайтининг манбаси кўрсатилмаган хабарига қараганда, Ҳиндистон разведкачи самолёти учувчиси 10 та микроавтобус сафини кўрган. Улардан бирида жаҳон террорчиларининг раҳбари бўлган. 22 октябрь куни Афғонистоннинг Хитойга туташ чегараси яқинида тўртта шундай микроавтобусни кўришган. Кейин яна битта самолёт чақирилган. Самолётдаги аппаратлар ёрдамида Усама бин Лодинни таниш мумкин бўлган.

Аммо Ҳиндистон Мудофаа вазирлиги вакили Америка ФҚБ юқори мартабали ходимининг ташрифи ва самолётлар террорчини кузатгани ҳақидаги хабарларни рад этди.

"The Cristian Science Monitor" газетасининг ёзишича, Усама ҳали ҳам Покистонда бўлиши мумкин. Газета ўз саҳифаларида Афғонистондаги АҚШ қўшинлари қўмондони Дэвид Барнонинг қуйидаги сўзларини келтиради: "Ал-қоида" раҳнамоси Афғонистонда эканлиги тўғрисида бизда етарли маълумотлар йўқ. У Покистонда бўлиши мумкин. Чунки бу мамлакатда уни чет эллик жангарилар яхшироқ қўриқлашади."

Энди эътиборингизни яна бир мақолага қаратамиз. "La Stampa" газетасида босилган ушбу мақолани терроризм ва жосуслик муаммоларига ихтисослашган таниқли ирланд журналисти Гордон Томас ёзган. Унинг таъкидлашича, Америка разведка сунъий йўлдоши бин Лодин ва аз Завоҳирийни Афғонистон, Покистон ва Хитой давлатлари чегаралари туташган баланд тоғларда кузатган.

Албатта, юқорида келтирилган мақолалар муаллифлари турли тахминлар, кимлардандир эшитган гапларга асосланишган. Шунинг учун уларнинг ҳаммасига ҳам ишониб бўлмайди. Биринчи рақамли террорчини самолётда туриб кузатиб, уни тутишга ҳаракат қилмасликнинг ўзи мантиқсизлик. Хуллас, газеталар, мухбирлар нима деб ёзишмасин, биринчи рақамли террорчининг қаерда эканлиги ҳақида ҳозирча аниқ маълумот йўқ.

Терроризм бугун айрим давлатларгагина эмас, балки жаҳонга хавф солмоқда. Шундай экан, у илдизи билан йўқ қилиниши, Усама бин Лодин каби террорчилар раҳнамолари эса қўлга олиниб, жазоланиши шарт. Шунда адолат қарор топган бўлади.

## Саратонга даво топилади

Саратонни даволаш йўллари топилмоқда. Бу соҳадаги тажрибалар ўз самарасини бера бошлади. Касалликка қарши янги вакциналар яратилаяпти.

Ушбу хабарни The Times газетаси тарқатди. Венада жойлашган Европа онкология жамиятининг навбатдаги йиғилишида таъкидланишича, ўпка ракининг оғир босқичи билан оғриган беморларга янги вакцинада укол қилинганда, улар икки йилдан кўпроқ яшаган. Одатда бундай беморлар бир йилга етмасдан вафот этарди.

—Янги вакцина саратонни даволашда катта бурилиш ясаши мумкин,—дейди Стокгольм Қироллик университети касалхонаси шифокори Хакан Меллштадт. — Мен 20 йилдан буён ракка қарши яратилган вакциналар синови билан шуғулланиб келаман. Биз дорига баҳо беришга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашамиз. Бу сафарги натижалар эса ҳайратланарли.

Канада ва Буюк Британия клиникаларида ўпка ракига қарши ўтказилган тажрибаларда 171 бемор иштирок этди. Уларнинг ярмига одатдаги даво турлари қўлланилди, қолган ярмига эса янги вакцина берилди. Биринчи гуруҳ беморлар ўртача 13 ой яшади. Янги вакцина билан даволанган хасталарнинг 60 фоизи икки йилдан кўпроқ, биттаси эса уч ярим йил умр кўрди.

Янги вакцина Канаданинг Biomira Inc ва Merck компаниялари томонидан ишлаб чиқилган. У инсон организмидаги рак ўсмасига қарши иммунитетни кучайтиради. Вакцина саккиз ҳафта давомида укол орқали бемор организмига юборилади. Сўнг олти ҳафта беморга дам берилади. Тиббиётчилар энди уни каттароқ клиникаларда синаб кўришмоқчи. Навбатдаги тажрибаларга мингга яқин бемор жалб этилади. Мутахассислар янги вакцина ҳақиқатан ҳам яхши самара берса, уни тезда кўплаб ишлаб чиқариш учун барча имкониятлар борлигини таъкидлашмоқда.

Сўнгги йилларда ўпка ракига чалинган беморлар сони кўпайиб бормоқда. Мисол учун биргина Буюк Британияда ҳар йили 31 минг киши бедаво дардга йўлиқмоқда. Уларнинг 19 мингини эркаклар, 12 мингини аёллар ташкил этади. Врачлар хасталикнинг пайдо бўлишига асосан кашандалик сабабчи эканлигини қайд этишаяпти.

Ҳозирги кунда саратоннинг уч тури — ўпка, простата ва бачадон ракига қарши вакциналар устида тажрибалар олиб борилмоқда.

Яқинда The Guardian газетаси Nature журналида чоп этилган ҳисоботга таяниб шов-шувли хабар тарқатди. Мақола муаллифи Тим Рэдфорднинг таъкидлашича, антибиотиклар оғир кўринишдаги саратон тўқималари ўсишини тўхтатиши мумкин экан. Калифорниялик олимлар организмни ўлимга олиб борадиган рак тўқимаси ривожини тўхтатиб қўйиш йўлини топишди. Улар тўрт ҳафталик тажриба давомида сичқонлар жигаридаги оғир кўринишдаги ракни йўқ қилишга эришганлар.

Сўнгги йилларда тиббиётчилар саратонни даволаш учун кўплаб янги йўл ва услублардан фойдаланаяпти. Масалан, улар ўсманинг ривожланишини тўхтатиш учун унга қон беришни тўхтатмоқчи бўлишди. Фақат касалланган тўқималарга таъсир кўрсатадиган "топ ва ўлдир" деб номланган токсинлар юборишни тажрибадан ўтказишди. Яна ракни ультратовуш ва ультра қизил нур билан даволаш устида иш олиб боришди.

Аммо саратон биринчи навбатда ДНК касаллиги бўлгани учун олимлар сўнгги йилларда рак генлари билан ишлашга асосий эътиборни қаратишмоқда. Улар эса юздан ортиқроқдир. Лекин рак билан касалланишда кўпинча Мус гени асосий ролни бажаради. Шунинг учун олимлар Мус ҳаракатини чеклайдиган дорини топишга уринишмоқда. Агар бунга эришилса, саратонни даволаш имкони туғилади дейишмоқда тадқиқотчилар. Хуллас, тажрибалар тиббиётчилар тўғри йўлдан боришаётганини, шу пайтгача бедаво деб келинган ракка яқин йилларда даво топилиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

**Б. ЭГАМҚУЛОВ** тайёрлади.

## Чигирткалар туфайли

***Кеча Қоҳира аэропортининг учта терминали вақтинча ўз ишини тўхтатди. Аэропорт матбуот хизмати берган маълумотларга қараганда, бунга чигирткалар сабабчи бўлган. Чигирткалар тўпламининг учиб келиши оқибатида самолётлар ва учиш майдончаларига жиддий шикаст етиш хавфи туғилган, шунинг учун иш вақтинча тўхтатилган. Аэропорт ҳашоратлардан тозалангач, кечга яқин яна қайта ишга тушди, деб хабар беради ASN-News.***

**Ўзбекистон Бадиий академияси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги**

жаҳон тарихи ва маданиятида алоҳида ўрин тутган Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги рамзини яратиш бўйича

***ОЧИҚ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.***

**Танловда республикамиздаги профессионал, ҳаваскор ва ёш рассомлар иштирок этиши мумкин.**

*Танлов ғолиблари учун совринлар:*

- ***Биринчи соврин*** *— 100000 сўм;*
- ***Рағбатлантирувчи соврин*** *— 50000 сўм.*

***Лойиҳалар Ўзбекистон Бадиий академиясида 2004 йил 15 декабргача қабул қилинади. Мавзу моҳиятини акс эттирган энг сара лойиҳалар соҳа мутахассисларидан иборат ҳайъат томонидан танлаб олинади ва ташкилий қўмита тасдиғига киритилади.***

**Манзил: Тошкент ш., Ш.Рашидов к., 40-уй. Маълумот телефонлари: 56-34-07, 56-50-47.**

**Андижон Давлат тиббиёт институти**

**2004 ЙИЛИ АСПИРАНТУРАГА ЎҚИШГА КИРИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Аспирантурага 35 ёшгача бўлган клиник йўналишдаги магистратура ва клиник ординатурани тугатган мутахассислар, мутахассис врачлар қабул қилинади:

| | | |
|---|---|---|
| 14.00.02 | — | «Одам анатомияси» (1); |
| 14.00.05 | — | «Ички касалликлар (1); |
| 14.00.06 | — | «Кардиология» (1); |
| 14.00.11 | — | «Тери ва таносил касалликлари (1); |
| 14.00.18 | — | «Психиатрия» (1); |
| 14.00.28 | — | «Нейрохирургия» (1). |
| **Жами:** | | **6 та.** |

*Ҳужжатлар қабул қилиш муддати — 27 ноябргача.*

Бизнинг манзил: Андижон шаҳри, Ю.Отабеков шоҳкўчаси, 1-уй, Андижон Давлат тиббиёт институти. Телефон: 22-31-10.

Андижон Давлат тиббиёт институти ректорати.

**Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!** Товар сертификатланган


«ГАЗ-31105»

**РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!**

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.


«ИЖ-2717»,


«ВАЗ-2106»


«ГАЗЕЛЬ»

Мулоқот учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.

**«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Олимбанк» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банкининг банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияси 2001 йил 14 сентябрда**

**ҚАЙТАРИБ ОЛИНГАН ЭДИ.**

**Бугунги кунда «Олимбанк» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банкини банклар рўйхатидан чиқаришга бериш ва тугатиш комиссиясининг 2004 йил 1 ноябрь ҳолатидаги ҳисоботи бўйича қолган банк омонатчилари ва кредиторлари билан тўлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун барча мурожаатлар қуйидаги манзил бўйича 2 ой давомида қабул қилинади.**

Манзил: Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Навоий шоҳкўчаси, 35-уй.
Телефон (код 8366-48) 43-09-57.

**«Олимбанк» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банкини тугатиш комиссияси».**

**O`ZSANOATQURILISHBANK**

**Меҳр ва мурувват йилида**




*«Саховат» ва «Саховат — тақдим этувчига»*

**номли янги жамғарма омонатларини тақдим этмоқда.**

Мазкур омонатга пул маблағлари жорий йилнинг ***31 декабригача 3 ой муддатга қабул қилинади,*** омонатчининг хоҳишига кўра ҳисобланган фоизларни ҳар ой олиш мумкин. Омонатнинг энг кам миқдори ***50 минг сўм бўлиб, йиллик 36 фоиз*** ҳисобидан даромад тўланади.

**Банк омонатнинг сир сақланиши, ўз мажбуриятларининг тўлиқ бажарилишини кафолатлайди.**

Қўшимча маълумотларни сиз қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 120-45-24, 133-34-45, 120-45-76.

Шеърхонлик

# Ёшлигимнинг шабадалари...

## Соғинч

*Кузги еллар, хазонрез еллар,*
*Ёшлигимнинг шабадалари,*
*Сизни менга бийлатмас йиллар,*
*Азим шаҳар дабдабалари.*

*Мен биламан: сиз ҳануз — ўша,*
*Мени излаб, чорлаб чопасиз,*
*Отамерос ул азиз гўша*
*Эшигини очиб-ёпасиз.*

*Юмшоқ тортган олтин офтобни*
*Дарахтларга сочиб кутасиз,*
*Боғда қолиб кетган китобни*
*Кечагидек очиб кутасиз.*

*Далалардан ўтасиз олиб*
*Менга атаб мезон ипини,*
*Енгил, хушбўй шовқинлар солиб,*
*Силкитасиз гуллар тупини.*

*Майсаларнинг сарғиш рангида*
*Мен соғинган кун нури яшар.*
*Сиз куйлаган куз оҳангида*
*Баҳорларнинг сурури яшар.*

*Гоҳо-гоҳо шаҳарга келиб,*
*Менга омад тилаб қайтасиз,*
*Гир айланиб, теграмда елиб,*
*Силаб-силаб, йиғлаб қайтасиз.*

*Ортингиздан мен чўзаман қўл,*
*Билмам, яна қанча вақт ўтар, —*
*Пешонамга ёзилган бу йўл*
*Тавонимга тушгунга қадар...*

*Кузги еллар, хазонрез еллар,*
*Ёшлигимнинг шабадалари...*

* * *

*Кеча эллик бешга тўлдим байрамсиз,*
*Бугун Абдулла Шер эллик олтида!*
*Тураман, қалб йиғлар, кўзларим намсиз,*
*Йигирма биринчи аср олдида.*

* * *

*Дунёни шеър билан эгмоқчи бўлган*
*Шоирлик ғурури, на чора, чеким.*
*Дераза кўзини енгмоқчи бўлган*
*Пашшанинг зарбимас бу ўжарлигим.*

* * *

*Кўксини ўқ тешган ботирлар яшар*
*Кечикиб ёзилган достонларимда,*
*Қанотсиз малаклар қизларга ўхшар*
*Ерларга қоришган осмонларимда.*

* * *

*Майлига, «Ўжар! — деб кулганлар кулсин. —*
*Умрини чўпчакка сарф этган нодон!»*
*Мен дейман: «Ҳар кимнинг осмони бўлсин,*
*Ерга қоришса ҳам осмондир — осмон!»*

**Абдулла ШЕР.**



# GURUNG

Митти ҳажвлар

### Сувдаги балиқдек

*— Эркабой бошлиғининг олдида ўзини сувдаги балиқдек ҳис қилади.*

*— Ў-ҳў... Ўзини жуда эркин тутади, демоқчимисиз?*

*— Йўқ, оғзини очади-ю, ҳеч нарса гапиролмайди, дейман.*

### Ранг-баранглик яхши

*— Чучвараларинг ҳар хилми, хотин, бири катта, бири кичик-а?*

*— Ахир ўзингиз бир хил овқат еявериш жонга тегди, дедингиз-ку, дадаси.*

### Кўричакнинг ярми

*— Ўҳ-ўҳ... Доктор, мана ҳалигини оп қўйинг... Вой, жоним!*

*— Тинчланинг, тинчланинг. Мана, энди сизни операцияга тайёрлашади.*

*— Доктор, фақат сиз айтганнинг ярмини зўрға эплаштирдик-да. Майлими?*

*— Майли, майли. Менга барибир. Фақат у ҳолда кўричагингизни қолган ярмини қачон оламиз?*

### Митти «ишбилармон»

*— Болалар, келинглар, «Ҳайвонот боғи» ўйнаймиз.*

*— Майли, қандай қилиб?*

*— Жуда оддий. Мен олмахон бўламан. Сизлар уйларингдан менга ёнғоқ опчиқасизлар.*

### Тилакда гап кўп

*— Аёллар эркаклардан кўпроқ умр кўришади. Биласанми, хотин, нима учун?*

*— Билмадим.*

*— Билмайсан!.. Бунинг учун бизга миннатдорчилик билдиришларинг керак.*

*— Ҳо-о, нега энди?*

*— Ахир биз сизларнинг соғлиқларингизни тилаб ичиб турамиз-да.*

**Ҳабиб СИДДИҚ.**

## «Қўшмачи»

— Оббо бобой-эй, шундай қилиб, Тошканни бозорлаб кетволман денг?

— Шундай, улим, шундай. Бир дуварамнинг бошини икки қилиш тараддусида... Энди ўзингиздан сўрасак? Жўл бўлсин, улим?

— Менми? Мен нима десам экан, шоирман. Қишлоқ ҳаётини, қишлоқликларнинг туриш-турмушларини ўрганиш учун...

— Э-э, ҳали мен шойирминан гаплашиб кетиб боражатиппанма? Қани, қани, ғазал жазған қўлингизни қайта олиб, қайта кўришайлик эмасам. Уйдагиларга роса мақтаниб борадиган бўппан-да, бир шойирди тириклай кўрдим, деб. Бир эмас, керак бўлса икки марта кўришдим, деб. Тошканнан то Қўрғонгача гаплаша келдим, деб. Улар ҳам ўзимизга ўхшаган простой одам бўлар экан, деб. Китоб жозғани келажатқан экан, деб. Телевизорда кўриш бошқа, ўзини кўриш бошқа бўлар экан, деб.

— Жа унчалик эмас, бобой. Жа ошириб юбордингиз. Простой бўлмасам қишлоқ ҳаётини ўрганиш учун чанг босиб, чанг ютгани қишлоққа борармидим.

— Туври айтасиз, шойир улим. Туври айтасиз. Простойликда гап кўп. Бизлар айтар гапимизди эплаб гапиралмаймиз. Китоб жазиш! Э-ҳа. Худо сизларга ғойибдан берганда, улим. Энди шу китобни қайтиб жазасизлар? Фаришта-маришта айтиб турама, ё ўзларингиз? Қийинма? Рангу рўйингизга қараганда, қийинга ўхшаб кўринади. Сир бўлмаса, улим...

— Бунинг ҳеч қандай сири-секрети йўқ, бобой. Мисол учун, бир йигитни танлаб, унга бир қизни севдирамиз. Бошда қиз бироз қийиқлик қилади. Йигит ҳам бўш келмайди. Ахийри уларни ё бир булоқ бўйида, ё мажнунтол тагида учраштирамиз. Бу ишнинг пишгани. Буни бизнинг тилимизда... Барибир бунақа гапларни сиз тушунмайсиз, бобой. Кейин тўй бўлади. Кўриб турибсизки, китоб тайёр. Икки ёш бахтиёр. Тушунарлими, бобой?

— Тушунарли, улим, тушунарли. Унда сизларди «қўшмачи» деса ҳам бўлар экан.

**Тўра СУЛАЙМОН.**








**Маҳмуд ЭШОНҚУЛОВ чизган расмлар.**

**Шукур ХОЛМИРЗАЕВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси:**

# «Яхши асар — машаққат ҳосиласи»

*Ижодкор устахонасида*

**— Шукур ака, суҳбатимизни ёзувчи аслида ким учун ёзади, қандай ёзиши керак, деган саволдан бошласак.**

— «Ёзувчи ким учун ёзади?» Ушбу савол минг-минг йиллардан бери ЁЗУВЧИларни ҳам ўйлантириб келади. Сиз ҳам ўшалар ҳолатига тушиб, бир зум ўйга толинг: ёзувчи агар оддий-жўн китобхонни назарга тутиб ёзса, асари ҳам жўн бўлиб чиқади ва асар марказидаги ғоя ҳам жўнлашиб, яъни саёзлашиб кетади. Ўқимишли китобхонларни кўзда тутиб ёзса, табиийки, анави содда китобхонга тушуниксиз ва зерикарли бўлиб чиқади...

Демак, қандайдир «ўрта-ҳол» ўқувчи назарда тутилиши керак. Масаланинг қийин жойи шу ердадир. Ёзувчи шундай «ўртача» китобхонни кўзда тутиб асарини бошлаши лозимки, қалами бирор ерда қоқилмасин. «Бу фикр унга оғирлик қилади», «Бу тасвирлар жўн бўлиб кўринади унга» деган андишаларга бормасин. Яйраб, бемалолчасига, баайни яқин дилкашига ҳасрат қилаётгандек ва ўша дилкаш жон қулоғи билан тинглаётгандек ҳолатда бўлсин. Афсуски, бундай «ўрталиқ»даги дилкашни топиш мушкулдир. Аммо ҳақиқий ёзувчи УНИ топиши шарт... Ва чин истеъдод эгалари уни топишган ҳам.

Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» ҳақидаги ҳар хил саволларга жавоб бераркан, «Мен романимни эртак ва достонлар ўқиб юрган (демак, реалистик насрдан йироқ) халқим учун ёздим», дейди.

Абдулла Қаҳҳорни эслайлик. У зоти шариф икки гапнинг бирида ёш адибларга, «Китобхон кўз олдингизда турсин!» деб уқтирарди.

**— Кейинги йилларда пайдо бўлаётган ёзувчилар бу меъёрларни унутишгандай, маҳаллий классиклар кўпайиб бораётгандай...**

— Ўз маблағига китоб чиқариб, «адиб»га айланаётган ёзувчилар ҳам бизда сероб бўлиб қолди. Ҳақиқий — асрлар оша яшайдиган, чинакам санъат намунаси бўлган асарлар жуда оғир, машаққатли меҳнат эвазига дунёга келишини билишмайди. Уларнинг аксари шу кунларда тағин керилиб: «Ижод — илоҳий неъмат. Илҳом ҳам илоҳийдир. Бир кеб қолди-да, ёзиб ташладим» дейишдан ҳам тап тортишмайди. Табиий, бу — адабий саводсизликдан, балки ана шу саводсизликни хаспўшлашдан бошқа нарса эмас. Ачинарлиси, бундай маҳаллий классикларнинг чучмал асарлари адабиёт деган сўз санъатининг юзига, андак бўлса-да, соя ташламоқда: ўқувчи адабиёт деганлари олди-қочди воқеаларнинг тафсилотидан иборат экан-да, деган нотўғри хулосага келмоқда.

**— Бундай «адиб»ларнинг қўллаб-қувватловчи, мақтовчи танқидчилари ҳам йўқ эмас-да.**

— Бундай танқидчилар адабиёт тарихида бўлган, бундан кейин ҳам учрайди. Масалан, шўролар даврида айрим адибларнинг, айтиш мумкинки, хусусий танқидчилари бор эди: ундайлар фақат ўша ёзувчини кўтарар, бошқаларни ерга уришдан қайтмас эди. Қолаверса, бундай «танқидчилар», одатда, шўро мафкурасининг жарчилари саналарди. Шунинг учун ҳоким мафкурага мумкин қадар чап берувчи адиблар бундайлардан қўрқиб туришарди. Ёмон эди-да, улар: танқид қилишдими (ноҳақ эса-да), бас, асаринг босилмас, китобинг ҳам чиқмай қоларди.

Бундай танқидчилар «Ҳаётда шундай қадриятлар борки, уларга икки хил ёндашиб муносабат билдириб бўлмайди. Масалан, Мустақилликка, Адолатга, Иймонга, Тўғрилик ва Ҳалолликка, Ростгўйлигу Раҳимдилликка ва ҳоказога» деган гапларни ёдга олиб туришса ёмон бўлмасди.

Ҳақиқий танқидчи холис ва «сўз санъатига ўзини бахшида қилган», ёзувчига ҳам, ўқувчига ҳам меҳрибон, миллий адабиётнинг жонкуяри, жарчиси бўлмоғи лозим.

**— Ҳозир қандай асарлар устида ишлаяпсиз?**

— Ўз тажрибамдан биламанки, йиллар давомида ўнлаб ҳикояларни пишитиб юрасан. Масалан, анави романимни қайта кўриб чиқаман, деб фурсат кутасан... Аммо шундоқ бўлдики, кейинги уч-тўрт йил орасида «эссе» ёзишга берилиб кетдим. Бу қурғур эсселар ҳам мўлжалимдан чўзилиб кетди. Масалан, Матёқуб Қўшжонов ҳақидаги эссе-қиссамнинг ҳажми... 300 саҳифадан ошиб тугади.



Ўзим яхши кўрган — меҳрим тушган ва ҳурмат қилган бир неча адиблар ҳақида (француз адиби Андре Моруага ўхшаб) бир нималар ёзаман, деб аҳд қилган эдим. Назаримда, ёзиб битирдим.

Насиб этса, 150 саҳифалик «Ўзбек бобо» деган ҳикоямни бирор нашрга топширгач, ўнтача кичик-кичик ҳикоялар ёзаман-у, 800 саҳифалик «Олабўжи» романимни (у «Шарқ юлдузи»да эълон қилинган эди) 400 саҳифага тушириб, олдин «Жаҳон адабиёти»да чоп эттиришни мўлжаллаяпман.

Нима қилай, биродар? Баъзи ҳикояларимни тўрт-беш марталаб ёзганман.

Романларимни шундай ёзсам, нима бўлибди?

Тўғри, умрни ўтказиб юборяпман.

Начора, чумчуқдан қўрққан тариқ экмас эмиш.

Романларимнинг бадиий савияси ҳам яхши ҳикояларим даражасида бўлишини хоҳлайман-да...

**— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Саид АНВАР суҳбатлашди.**

# «Ноёб» мураббий

Ҳансираганича стадион томонга яқинлашиб келаётган Ҳайдар қассоб кираверишдаги айронга кўзи тушди-ю, бир юз тўқсон градус бурилиш қилиб, айронфурушга хириллади:

— Қани, қуюқроқ қилиб қуй-чи, кал.

Айронни «ғўлқ-ғўлқ» этказиб ютиб бўлгач, кейин нархини талашишга ўтиб, майда пулини жаҳл билан патнисга ташлаган вақтда кимдир орқадан елкасига гурсиллатиб урди.

— Ҳа, ҳайвонларнинг жаллоди?...

Ҳайдар қассоб бир чўчиб тушди. Ўгирилиб қараса, ошнаси Нодир мижикхўр куйдирилган калладай тиржайиб турибди.

— Ҳе, турқинг қурсин, бурунбой! — дея ўдағайлади Ҳайдар қассоб. — Ўтакамни ёрворай дединг-ку, энағар.

— Ҳадеб сасийвермай, тезроқ юр, ҳозир иккинчи тайм бошланади. Аҳволимиз чатоқ, теритепарларимиз нўлу иккига ютқизишяпти. Туман ҳокимиям келган, қовоғига бомба осиб ўтирибди.

— Туман-пуман, тайм-пайм деб бошимни ачитмай, мундоқ пичоққа илинадиган гаплардан гапиргин. Анави темир-терсаклар ҳаммаси шу ердами?

— Қанақа темир-терсак?

— Чўян тақачининг ўғилларини сўраяпман!

— Шу ерда. Уларсиз ўйин бўладими?

Иккаласи стадионга кириб боришганда ҳакам ҳуштагини чалиб, ўйинчиларни майдонга чорлаётган эди. Ҳайдар қассобнинг кўзи ўйинчиларнинг орасидан Темирвойни излаб топди-ю, Нодир мижикхўрнинг ҳай-ҳайлашигаям қарамай, ўзини майдонга урди.

— Вей, Темир! Тўхта, деяпман сенга! Тўхта-е.

— Ҳа, нима дейсиз?

— Кеча гапимиз чала қолувди. Бугун кирсам, уйда йўқсан. Ҳалиги новвоснинг нархини келишайлик. Эртага бозор, бугун вақтида сўйиб, саранжомлаб олмасам...

— Мен билмайман, акамдан сўранг.

— Мана бақка қара...

— Мен билмайман, дедим-ку, билмайман.

Ҳайдар қассоб Темирнинг орқасидан майдон маркази томон бораётган эди, тренер ва заҳирадаги ўйинчилар уни судрагудек қилиб, майдон четига олиб чиқишди. Марказий трибуна болохонасида ўтирган туман раҳбари ўзича ғудраниб қўйди.

Ўйин бошланди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ўн биринчи рақамда ўйнаётган Пўлатвой чап қанотдан уч-тўрт ўйинчини чаққон алдаганича ёриб кириб, меҳмонлар дарвозасига тўп бурди. Ҳамма бақир-чақир билан овора бўлиб турганда, Ҳайдар қассоб яна ўзини майдонга отиб, бу сафар тўққизинчи рақамли ўйинчини бўғизлагудек бўлиб, четроққа етаклади.

— Уканг айтди, новвоснинг калити сенда экан. Э, бор-е, ана, ўн беш юмалоқ қўшсам, розимисан? Хўп дегин, Пўлатвой, хўп дегин.

Пўлатвой қаттиқ силкишдан оғрий бошлаган қўлини қассобнинг панжасидан зўрға суғуриб олди.

— Э, қўйворинг. Ҳозир шуни вақтими?

— Манави ишлайдими? — деб Ҳайдар қассоб бармоғи билан Пўлатвойнинг пешонасига тақиллатди. — Вақт — бу валюта. Эртага бозор, ҳозир бориб оёғини осмондан қилмасам...

Гапнинг давоми Ҳайдар қассобнинг қорнида қолди. Бош ҳакам ҳуштагини «чур-чур» қилганича унинг қорнига туртиб-туртиб, байроқ ушлаган ҳакам эса белбоғидан тортқилаб майдондан чиқариб ташлашди. Ўйин давом этди. Майдон эгаларининг ҳужуми жуда кучайиб кетди. Ўттиз учинчи минутда Темирвой бурчакдан тўп тепди. Орадан югуриб чиққан Пўлатвой боши билан уриб дарвозага киритди. Стадион оёққа турган пайтда Нодир мижикхўр пизиллаганча бориб, майдон четида бетоқат юрган Ҳайдар қассобни қучоқлаб ўпа кетди:

Ҳажвия

— Маладес, ҳайвонларнинг жаллоди! Қойил қолдим! Яна битта-яримтасини қитиқлаб қўйсанг, ютуқ бизники бўлади. Кел, бир ўпволай.

— Э, қанақа одамсан? Ол сассиқ оғзингни. Мен нима ғамдаман-у...

Ҳайдар қассоб уни ўзидан итариб юбориб, бодир-бодир қилганича яна майдон четида у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

Фикри-ўйи новвосида эди. Чунки қассобларда ирим бор — қуёш қизаргандан кейин мол сўйиш бехосият иш. Яна бир ярим-икки соатдан кейин хосиятнинг муддати тугайди. Ҳали бу ака-ука темир-терсакни кўндиргандан сўнг ҳам гижинглаб турган новвосни нўхтала, икки-уч киши бўлиб қассобхонага судра, туёқларига арқон чирмаб ағдар, сўй, тозала... Бунинг устига, Чўян тақачи уйда бўлса, битталаб пул санашнинг ўзига ярим соат вақт кетади.

Ҳайдар қассоб майдон чети бўйлаб юрар экан, «Ҳа, бўш келма, Ашур қора!» деган қичқириқни эшитиб, калласига «гуп» этиб бир фикр урилди. «Ҳақиқий калит бу ёқда турибди-ку!» деб ўйладида, аланглаб Ашур қорани қидирди. Уни топгандан кейин эса, еттинчи рақамли ўйинчи қайси томонга югурса, «Ҳой, Ашуржон, манбаққа қара. Гапга қулоқ солсанг-чи, ука» деб ўша ёққа лўкиллаб чопа бошлади. Охири Ашурнинг майдон четига яқин жойда тўп билан бораётган рақиб ўйинчисининг оёғи остига ташлагани қўл келди, чаққонлик билан унинг оёғидан ушлаб, чизиқнинг бу тарафига тортиб олди. Биринчи қаторда ўтирган бир миршаб Ҳайдар қассобни тартибга чақириш учун ўрнидан қўзғалган маҳалда, раҳбар юқоридан маънодор йўталди. Миршаб унга қараган эди, «аралашма» дегандек ишора қилиб қўйди.

— Энди, Ашурвой, нима бўлганда ҳам поччалик ҳурматинг бор, — деди Ҳайдар қассоб. — Қайноғанг новвосини сотишни пайсалга соляпти. Менимча, бу болани Салим қассоб йўлдан уриб қўйганга ўхшайди. Пўлатвойингга айтиб қўй, Салим жуда учар қассоб, уни чалиб кетади.

— Қанақа одамсиз? Ўзи ўйин тугашига беш дақиқача қолди. Э, қўйворинг-е!

Ашур зўрға қутилиб чиқиб, майдонга кираётганида, касбдошидан гумон қилаётган Ҳайдар қассоб унинг ортидан яна бир марта огоҳлантириб бақирди:

— Мана, кўрасан, албатта, чалади сени...

Бўлиб ўтган бир зумлик можаро чоғида озгина дам олиб, куч тўплаган Ашур оёғига тўп тегиши биланоқ ҳолдан тойган рақиб ҳимоячиларини бирин-кетин алдаб, жарима майдонига тўсатдан ёриб кирди. Дарвозабон билан биттага битта чиққач, бошқа иложи қолмаган ҳимоячи орқадан уни чалиб йиқитди. Ўн бир метрлик жарима тўпини Ашурнинг ўзи дарвозага урди.

Бир гала ишқибоз ўзи томонга «қийчув» билан бостириб келаётганини кўрган Ҳайдар қассобнинг капалаги учиб кетди, оёғидаги калишини қўлига олиб, майдон бўйлаб қочишга тушди. Оломон унга етиб олган вақтда қўли билан бошини ушлаб, «Тавба қилдим, мусулмонлар! Бундан буён яна ўйинга халақит берадиган бўлсам...» дея бақираётганида одамлар уни ҳар томондан ушлаб, елкага кўтаришди ва олқишлашиб тепага ота бошлашди...

Кечқурун кўча дарвоза тақиллаб қолди. Ҳайдар қассоб чиқиб қараса мотоциклли бир одам тумтайиб турибди. У бир боғлам калитни узатди:

— Мана, олинг.

— Нима бу?

— Эртадан бошлаб командамизга сиз тренерлик қилар экансиз, мени пастлатишди, энди сизга ёрдамчи бўламан.

— Ие, қанақа команда? Питвўлинг минан мени нима ишим бор? — дея кўзлари чиққудай бўлиб сўради Ҳайдар қассоб.

Собиқ бош тренер елкасини қисиб деди:

— У ёғини билмадим. Аммо айтилгандан кейин бажармасак, икковимиз ҳам балога қоламиз. Раҳбарнинг буйруғи бу!..

**Баҳром ОБИДЖОН.**

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 968. 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Каримов.
Навбатчи — Р. Ёрлақабов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 23.00 123 56